

садоқатнинг талаб этилиши ўз моҳиятига кўра, миллий хавфсизликка тўғридан-тўғри таҳдид туғдиради.

Иегово Шохидлари сектаси томонидан 1952 йили бекор қилинган бўлса-да, 1930 йилдан (22 йил давомида!) ўз тарафдорларига касалликларнинг олдини олишга қаратилган вакцинацияларни олишни, 1967 йилдан (1980 йилгача, 23 йил давомида!) тери ва органларни кўчириб ўтказишни тақиқлаб келган. 1944 йилдан эса бировнинг қонини қуйдирмаслик бўйича тақиқ ҳозиргача амал қилиб келмоқда. Зеро, иеговочилар фикрича, бир инсоннинг қонини бошқасига қуйиш гуноҳ ҳисобланармиш. Бу билан улар "Библия"даги қонни истеъмол қилмаслик тўғрисидаги буйруқни бажараётганларини даъво қилишади. Инсон ҳаёти учун қутилмаган вазиятларда қон қуйиш ҳал қилувчи аҳамият касб этишини инobatта оладиган бўлсак, бундай ғоявий тарғиботнинг фоживий оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас. Афсуски, шундай бўлмоқда ҳам.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида иеговочиларнинг танқидчилари томонидан "Иегово шохидлари қурбонлари мемориали" ташкил қилинган эди. Ундаги рўйхатда 1995 йилгача қон қуйилмагани учун қурбон бўлган 3 315 кишининг номи қайд этилган. Ўтган 16 йил давомида бу рўйхат иеговочи раҳнамоларнинг айби билан яна неча юзлаб бегуноҳ одамларнинг рўйхати билан тўлганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Қайд этилган ҳолатлар ҳам юқоридаги каби ғояларга садоқатнинг мудҳиш оқибатларини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

? МИССИОНЕРЛАРГА НИСБАТАН ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР ҚўЛЛАНИЛАДИ?

Миссионерлик ва прозелитизм ғайриқонуний ҳаракат экан, унга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланиши табиий. Хусусан, республикамизнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш сутка муддатгача маъмурий қамоққа олинишга сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Республикамизнинг Жиноят кодексда эса юқоридаги ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганда энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

? Хўш, БИЗ НИМА ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК? БУ ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚўШИШИМИЗ МУМКИН?

Аввало бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Бефарқлик ижтимоий иллат сифатида оғир оқибатларни келтириб чиқариши ҳаётини тажрибадан маълум. Машхур файласуфлардан бири

бефарқлик оқибатларига тўхталиб шундай деб ёзган эди: "Душманлардан қўрқма - нари борса, улар сени ўлдирishi мумкин. Дўстлардан қўрқма - нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ - улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туйғайли ер юзиде хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади".

Иккинчидан ҳар биримиз халқимизнинг эртанги куни, жамиятимиз истиқболи ва Ватанимиз тақдири учун дахлдор эканимизни унутмаслигимиз, ўз билим ва малакамиз, иродамиз ва қудратимизни эл-юрт манфаатлари, унинг бирлиги ва тараққиёти йўлида сафарбар этишимиз лозим. Бунда, фидойи бўлиш ҳаётини амалий аҳамият касб этади. Юртбошимиз сўзлари билан айтганда, "...ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш"гина озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлашимизга мустаҳкам замин яратади.

УНУТМАНГ! МИССИОНЕРЛИК МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ, БИРЛИГИМИЗ, ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ ВА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИДДИР. УНГА ҚАРШИ КУРАШ ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗДИР.

Ушбу буклет Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат номидаги ташкилотларини ва Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб қувватлаш жамоат фонди давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси доирасида тайёрланди.



ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

МИССИОНЕРЛИК – ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАҲДИД

! *Хурматли Ватандош, қўлингиздаги мазкур буклетда Ватанимиз, миллатимиз қолаверса асрлар давомида аждодларимиздан бизга мерос бўлиб этиб келган эътиқодимиз учун таҳдид бўлган миссионерлик ҳақида сўз боради. Унда, сизларда юзага келиши мумкин бўлган саволларга жавоблар берилган. Ишонамизки, Сиз мазкур буклетга бефарқлик билан қарамайсиз, уни ўқиб чиқасиз ва хулоса чиқарасиз.*

? “МИССИОНЕРЛИК”НИНГ ЎЗИ НИМА? “ПРОЗЕЛИТИЗМ”ЧИ?

Миссионерлик (лотинча “missio” - “юбориш”, “вазифа топшириш”) бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Прозелитизм эса - бу миссионерлик фаолияти натижасида тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдир. Демак, прозелитизм миссионерликнинг юқори чўққиси ҳисобланади.

? МИССИОНЕРЛАРНИ ҚАНДАЙ АЖРАТИБ ОЛИШИМИЗ МУМКИН?

Миссионерлар жамиятга мослашиш, одамлар орасига киришиб кетишга жуда “уста” бўлишади.

Сухбатдошнинг миссионер ёки миссионер эмаслигини ажратиб олишда бир қанча хусусиятларга аҳамият бериш лозим.

Биринчидан, суҳбатдошингиз сиз билан Худо ҳақида гаплашишга уринади. Бунда, у Қуръон ва ҳадислардан ҳам мисоллар келтириши мумкин. Мана шу пайтда сиз унга “Қуръон энг муқаддас ва энг тўғри китобми?” деган саволни бering. Агар у тугилиб қолса ва гапни бошқа томонга буришни хоҳласа демак у аниқ миссионер.

Иккинчидан, миссионерлар сизнинг муайян беморлигингизни даволашга ваъда бериши мумкин. Шунда, ундан қаерга боришингиз кераклигини сўранг, агар у “Биз хонадонларда даволаш ишларини олиб борамиз” деса, демак у ҳам аниқ миссионер.

Учинчидан, ҳар бир миссионер суҳбат охирида сизга муайян китоб ёки журнални ўқиб чиқишни таклиф қилади. Сизга “бепул” таклиф қилинган китоб ёки журналларнинг номлари қуйидагича бўлиши мумкин: “Сторожевая башня”, “Пробудитесь”, “Худонинг раҳбарлиги жаннатга йўл кўрсатмоқда”, “Инжил”, “Таврот ва Инжил” ва ҳ.к.з.

? МИССИОНЕРЛАРНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

Кузатишлар натижасида миссионерликдан асосан икки ҳил мақсадлар кўзланиши аниқланган. Биринчидан, миссионерлик орқали турли секта вакиллари диндорларнинг туйғуларидан

фойдаланган ҳолда уларни хайр-эҳсон қилишга даъват этадилар ва бунинг натижасида каттагина бойликка эришадилар. Тажриба турли бузғунчи секталар ўз издошларидан кўпроқ маблағ ундириш мақсадида қиёмат қойимнинг аниқ санасини эълон қилиш амалиётидан кенг фойдаланишини кўрсатади. Чунки, инсон умри тугашини ҳис қилгач, иложи борица қолган ҳаётида эзгулик, хайр-эҳсон қилишга интилади, бор бойлигини сарфлаб жаннатга кириб олиш иштиёқида яшайди. Мазкур ҳолатдан эса секта раҳбарлари унумли фойдаланишади. Жумладан, адвентистлар жамоаси томонидан 1941, Иегово шохидлари томонидан 1914, 1918, 1925, 1982 йилларда охир замон бўлади, деб эълон қилинишида ҳам айнан шундай, “хазинани тўлдириш” мақсадлари кўзланган эди.

Миссионерликдан кўзланган иккинчи мақсад эса юқоридагидан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, у сиёсий мақсадларга йўналтирилади. Бунда, ўз диний таълимотларини тарғиб қилиш йўли билан жамиятда хайрихоҳ бўлган гуруҳларни шакллантириш ва тарафдорлар сонини кўпайтириш орқали муайян мамлакат ва худуд устидан назорат ўрнатиш кўзланади.

Дин моҳиятан ижобий феномен бўлсада, айнаи дамда, диний хусусиятлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, унинг бунёдкорлик моҳиятининг вайронкорликка айланишига, бирлаштирувчилик вазифасининг парчаловчиликка айланишига олиб келишига тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Тарих, энг мурасасиз, узоқ муддатга чўзилувчи, қонли тўқнашувлар ҳам айнан диний ва миллий асосда келиб чиққанига гувоҳлик беради. Миссионерлик ҳам мазкур хусусиятни инобатга олган ҳолда жамиятни ичдан емириш, кучсизлантириш ва битта ҳам ўқ отмай уни маҳв этишга хизмат қилади.

? МИССИОНЕРЛАР БУНДАЙ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН ҚАНДАЙ УСУЛЛАРНИ ФОЙДАЛАНДИЛАР?

Бугунги кунда миссионерлик ташкилотлари янги “ўлжа”лар орттиришда тиббий ва таълим соҳларида фаолият олиб бориш, хайрия ёрдамлари кўрсатиш, уйма-уй юриб ташвиқот олиб бориш, маҳаллий тилларда христианлиқни тарғиб қилувчи адабиётлар, газета ва журналлар чоп қилиб, тарқатиш, радио ва теледастурлар тайёрлаш, кино маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали ўз қарашларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Айнаи дамда, миссионерлар ўзлари истиқомат қиладиган минтақанинг миллий хусусиятлари ва маиший ҳаётидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Жумладан, қишлоқ худудларида кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўтказиб бериш, Наврўз дастурхонларини тузаш, чўл худудларда моторли қудуқлар ўрнатиб бериш, уйларида тегирмон очиш, “PAYNET” тўлов хизматларини уйларида ташкил этишга алоҳида урғу берилмоқда. Ачинарлиси, миссионерлар томонидан масжидларга келиб, мусулмонлар билан намоз ўқиб бўлиб кейин даъват қилиш ҳоллари ҳам кузатилган.

? МИССИОНЕРЛАР ҚАНДАЙ ИНСОНЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТАДИЛАР?

Изданишлар шуни кўрсатади-ки, сўнгги вақтларда миссионерлар маълум бир ижтимоий қатламни ажратиб олиб, улар билан мақсадли ишлашга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, улар асосий эътиборини аралаш миллат вакилларида иборат оилаларнинг аъзолари, илгари ҳеч бир динга эътиқод қилмаган, оғир ҳасталикка, жудоликка учраган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга қаратмоқдалар. Шунингдек, санъат соҳаси ходимлари, кутубхоначилар, ўрта мактаб ўқитувчилари ҳам фаол миссионерлик тарғиботи объекти сифатида танланмоқда.

Шундай бўлса-да, миссионерларнинг асосий “мўлжал”лари асосан ёшлар ва аёллар ҳисобланади. Миссионерликнинг таниқли назариётчиси П.Джонстоун талаба ёшларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, ўзининг “Дунё операцияси” китобида жумладан, шундай ёзади: “Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади”. Энди тасаввур қилайлик ёшлигидан “муртад”лик йўлини танлаган, яъни ўз эътиқодидан қайтган инсон “йирик мансаблар”ни эгаллаганидан сўнг Ватан равнақи учун хизмат қилармикин...?

Аёллар орасида иш олиб бориш эса, миссионерлар учун “бир ўқ билан камида уч қуённи уриш”дир. Биринчиси – аёлнинг ўзи, иккинчиси – унинг фарзандлари ва учинчиси – турмуш ўртоғи. Аёлларнинг улуши баптистлар ва пятидесятниклар черковларига қатнайдиغانлар орасида 70, адвентистлар ва “Иегово шохидлари” орасида 80, пресвитериан черковларига қатнайдиغانлар таркибида 90 фоизгача бориши эса миссионерларнинг ана шу мақсадлар йўлидаги хатти-ҳаракатларининг ҳаётий-амалий натижасидир.

? МИССИОНЕРЛАР ЎЗ ҒОЯЛАРИНИ СИНГДИРАР ЭКАН, УНГА СОДИҚ ҚОЛИШНИ ҲАМ ШАРТ ҚИЛИБ ҚЎЯДИЛАР. ШУНДАЙ ЭМАСМИ?

Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, аксарият миссионер ташкилотлар “Ватан” тушунчасини умуман инкор қиладилар. Зеро, улар учун Ер юзининг ўз динлари тарқалган ҳар қандай жойи Ватан ҳисобланади.

Миссионер ташкилотларнинг бундай ғоялари ўз моҳиятига кўра фуқароларда Ватандан бегоналашиш, унинг тақдирига нисбатан лоқайдлик ва бефарқлик кайфиятининг шаклланишига йўл очади.

Баъзи ташкилотлар ўз аъзоларига ҳарбий хизматга бориш, умуман қўлларига қурол ушлашни ҳам тақиқлайдилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи, қонуندا белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ эса мажбурий ҳисобланади. Демак, юқоридаги каби ғояларга қатъий